

“ТАСДИКЛАЙМАН”



Бухоро вилоят Шоғиркон туман
Тиббиёт бирлашмаси бош врачи:
Ф.К.Тохиров
2022 йил

Бухоро вилоят Шоғиркон ТТБга карашли «Арабутиб», «Күншур» «Читкарон» «Шурабод»
«Гулистон» «Кайрагоч» «А.Темур» «Пашмон» «Р.Махмудов» «Келачи» ОШПлар биноларини жорий
таъмирлаш учун

ТЕХНИК ТОПШИРИК

Буюртмачи	“Шоғиркон туман Тиббиёт бирлашмаси”
Бажарувчи	Электрон танлов орқали аниқланади
Объектнинг жойлашган ўрни	Бухоро вилоят Шоғиркон туман Навруз кўчаси 17 уй
Таъмирлаш тури	Жорий таъмирлаш
Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	Электрон танлов https://etender.uzex.uz/ орқали
Таъмирлаш ишларининг бошланиши ва тугаллаш	2022 йил
Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Ишларни бажариш жараёнида техника хавфсизлик коидаларига риоя қилиши шарт
Танловда иштирок этиш учун банк кафолатининг миқдори ва шакли	Талаб этилмайди
Иштирокчилар қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:	Шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий ҳамда ишчи ходимлар мавжудлиги; Соликлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслиги, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги, инсофиз иштирокчиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги
Лойиха ташкилоти	Объект бўйича нуксонлар далолатномасини тузади ва схематик чизмасини чизиб, тегишли ташкилот ва маъсулларга тасдиқлатади. Тасдиқланган нуксонлар далолатномасига асосан лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқади.
Смета ҳужжатларини тайёрлашда фойдаланиладиган баъзи маълумотлар	Курувчининг бошқа харажатлари – 20 % Асосий иш ҳақи ижтимоий суғурта бадаллари- 12%
Лойихалашнинг алоҳида шартлари	Курилиш материаллари ва материал техник таъминоти ресурсларини нархларини IV –квартал 2021 йил
Смета ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш	Давлат экспертизасига тақдим қилишдан олдин буюртмачи назоратидан ўтказилсин. Курилиш давомида ЛСХ да кўрсатилган камчиликлар ва хатоликлар лойихачи ташкилот зиммасига юклатилади.
Смета ҳужжатини ишлаб чиқишини тугатиш муддати ва талаблари	Шартномада кўрсатилади.
Стандартларга риоя қилиш талаблари	Давлат стандартлари.
Топшириш – қабул қилиш тартиби	Смета ҳужжатлари ушбу техник топшириқ талабларига биноан қабул қилинади. Смета ҳужжатлари буюртмачига З нусхада босма (папкада) ва электрон топширилади



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«ШОФИРКОН ТТБ» рахбари

« » 2022 й

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Бухоро -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Шоғиркон ТТБга карашли «Арабхона» «Жушура» «Читкарон» “Шурабод” “Гулистон” “Кайрагоч” “А. Темур” “Пашмон” “Р. Махмудов” «Келачи» ОШПлар биноларини жорий таъмирлаш хизмати
- 1.2. Танлов охирги қиймати _____ сум . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова килинган.
- Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**
- 1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 **календар кун**.
- 1.5 Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Шоғиркон туман Тиббиёт бирлашмаси, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.
- “Буюртмачи” манзили: **Шоғиркон туман Навruz кучаси №117 уй**
Эл.адрес:
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3. Танлов
“Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги малакавий талаблар қуйилади:
- тандов предмети қийматининг камида 15 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
- танлов объектига ўхшаш объектларда ишлап тажрибасининг мавжудлиги;
- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);
- Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

- 3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
- қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошка боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдикланган холда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдикланган холда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник тақлиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган холда;
- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта тақлиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- тақлифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз тақлифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.

юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.